

2025 yil 30-sentyabr

№ 40-Р

Toshkent sh.

BUYRUQ

Коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги ПҚ-81-сон қарори билан тасдиқланган Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом талаблари **маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.**

2. “UzAssets investitsiya kompaniyasi” акциядорлик жамиятига алоқа каналлари орқали коррупция ҳолатлари ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти (кейинги ўринларда – Регламент) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар:

Жамиятнинг алоқа каналлари орқали хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва уларни ижрочиларга етказиш вазифаси Ижро интизоми бўлими етакчи мутахассиси **Абдурасулов Қодирбек Шарофиддин ўғли** зиммасига;

алоқа каналлари орқали келиб тушган коррупция ҳолатлари ва манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарларни кўриб чиқиш вазифаси Юридик хизмат бўлими етакчи мутахассиси **Худайбердиев Хуршид Сайдмуродович** зиммасига юклансин.

4. Ушбу Буйруқнинг 3-бандида кўрсатиб ўтилган ходимлар бошқа ишга ўтганда ёки бошқа лавозимга тайинланганда, алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарлар билан ишлаш вазифалари тегишлича ушбу лавозимларга тайинланган шахсларнинг зиммасига юкланади.

5. Жамият ходимлари ушбу Буйруқ ва у билан тасдиқланган Регламент талабларига қатъий риоя этиши ҳақида огоҳлантирилсин.

6. Инсон ресурсларини ривожлантириш бўйича мутахассис (И.Хусенов) ушбу Буйруқ барча ходимларнинг эътиборига етказилишини таъминласин.

7. Мазкур Буйруқ ижроси устидан назоратни ўз зиммамда қолдираман.

Бошқарув раиси



Б. Абдиназаров

“UzAssets investitsiya kompaniyasi”
акциядорлик жамиятининг
2025 йил “30” сентябрдаги 40-П-сонли буйруғига
ИЛОВА

**“UzAssets investitsiya kompaniyasi” акциядорлик жамиятига
алоқа каналлари орқали коррупция ҳолатлари ва (ёки) манфаатлар
тўқнашуви тўғрисидаги хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш
РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент “UzAssets investitsiya kompaniyasi” акциядорлик жамиятида (кейинги ўринларда – Жамият) коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва тегишли таъсир чораларини кўришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Регламент Жамиятнинг алоқа каналлари орқали келиб тушган коррупцияга оид хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш, шунингдек, уларнинг ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.

3. Мазкур Регламент мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

коррупцияга оид хабарлар – Жамият ва Жамият ходимларининг фаолиятидаги коррупция ҳолатлари ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарлар;

алоқа каналлари – Жамиятдаги коррупцияга оид хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш учун ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган каналлар;

муружаат этувчи – алоқа каналлари орқали Жамият ва Жамият ходимлари фаолиятидаги коррупция ҳолатлари ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бериш учун муружаат қилган ҳар қандай жисмоний ва (ёки) юридик шахс, шу жумладан Жамият ходими.

Мазкур Регламентдаги бошқа тушунчалар қонунчилик ҳужжатлари, Жамиятнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички норматив ҳужжатларида белгиланган таърифда тушунилади.

3. Жамият коррупцияга оид хабарларни қабул қилишга мўлжалланган алоқа каналларининг ишини қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этади:

конфиденциаллик ва хавфсизлик – алоқа каналларидаги коррупцияга

оид хабарлардан фойдаланишга рухсат берилган Жамиятнинг барча ваколатли шахслари ушбу хабарларни ваколатга эга бўлмаган шахсларга беришга (ошкор қилишга) ҳақли эмас. Агар мурожаат этувчи ўзининг коррупцияга оид хабарини юборганлиги ҳақида бошқа ходимларга ёки учинчи шахсларга ўз хоҳишига кўра, жумладан, эҳтиётсизлиги натижасида ошкор қилган бўлса, Жамият унинг ошкор бўлишига жавобгар бўлмайди;

қонунийлик – коррупцияга оид хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари ва ушбу Регламентга мувофиқ амалга оширилади;

мурожаат этувчининг таъқиб қилинмаслиги – коррупцияга оид хабарларни берганлик учун мурожаат этувчининг ва унинг яқин қариндошларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилишга ёки уларнинг ҳуқуқлари бошқача тарзда чекланишига, шунингдек иш берувчи томонидан уларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйилмайди;

мурожаат этувчи билан мажбурий тартибдаги қайта алоқа – коррупцияга оид хабар кўриб чиқилганидан сўнг кўриб чиқиш натижалари ҳақида мурожаат этувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилинади (аноним мурожаатлар бундан мустасно);

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги – Жамият ходимлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга чек қўйишга, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлашга доир чора-тадбирларни амалга ошириши шарт.

2-боб. Алоқа каналлари

4. Коррупцияга оид хабарлар қуйидаги алоқа каналлари орқали қабул қилинади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси (<https://pm.gov.uz/>);

Жамиятнинг расмий веб-сайти (<https://uz-assets.uz/uz/contact-us/>) ёки электрон почтаси (info@uz-assets.uz);

Жамиятнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий канал ва саҳифалари;

Жамиятнинг ишонч телефони (+998712030660 (125));

Жамиятнинг Телеграм-ботига оғзаки (шахсан) мурожаат қилиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар;

мазкур Регламентда кўрсатилмаган бошқа алоқа каналлари.

Оммавий ахборот воситаларида Жамият фаолияти ёки Жамият ходимлари билан боғлиқ коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида эълон қилинган материаллар ҳамда бундай ҳолатлар юзасидан оммавий ахборот воситалари таҳририятларининг мурожаатлари Жамият томонидан коррупцияга оид хабар сифатида рўйхатга олинади ва белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

5. Жамият алоқа каналлари тўғрисидаги маълумотни ўзининг расмий сайти, ижтимоий тармоқдаги саҳифа ва каналларига жойлаштиради, шунингдек ходимларга даврий равишда юбориладиган электрон хатлар тарқатмаларига ва ўқув материалларига киритади, Жамият биносида жойлаштириладиган тематик плакатлар ва ҳоказоларда акс эттиради.

3-боб. Коррупцияга оид хабарларни қабул қилиш

6. Коррупцияга оид хабарлар Жамиятнинг мурожаатлар билан ишлаш бўйича маъсул ходими (кейинги ўринларда – мурожаатлар бўйича ходим) томонидан алоқа каналлари орқали қабул қилинади, келиб тушган иш кунида рўйхатга олинади ва резолюция учун Бошқарув раисига киритилади.

7. Коррупцияга оид хабарлар душанбадан жумагача соат 09:00 дан 18:00 га қадар қабул қилинади ва рўйхатга олинади. Агар коррупцияга оид хабар иш вақтидан кейин ёки дам олиш кунлари келиб тушса, бу хабар навбатдаги иш кунида рўйхатга олинади.

8. Рўйхатга олинган ва Бошқарув раиси резолюцияси олинган коррупцияга оид хабар тегишли иш кунидан кечиктирмаган ҳолда Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасига (кейинги ўринларда – Ички назорат тузилмаси) кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

Ички назорат тузилмаси коррупцияга оид хабарни кўриб чиқиш учун маъсул ҳисобланади.

9. Коррупцияга оид хабарларни рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида Намунавий низом, Жамиятнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича ички норматив ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

10. Ички назорат тузилмаси коррупцияга оид хабарни олгандан кейин 1 (бир) соат ичида уни иловага мувофиқ шаклда Жамиятда коррупцияга оид хабарларни қабул қилиш реестрида (кейинги ўринларда – Реестр) рўйхатга олиши ва ушбу Регламентнинг 4-бобига мувофиқ кўриб чиқиши лозим.

11. Заруратга кўра, Ички назорат тузилмаси ходими мурожаат этувчи билан электрон ёзишма йўли билан ёки телефон орқали боғланиб коррупцияга оид хабардаги маълумотларни аниқлаштиради.

12. Агар мурожаат этувчи ўзининг коррупцияга оид хабарини тасдиқлаш учун қўшимча материалларга (хужжатлар, аудио ва видеоёзувлар, фотоматериаллар ва ҳ.к) эга бўлса, Ички назорат тузилмаси ходими бундай материалларни қабул қилиб олиш учун Жамиятда ташкил этилган алоқа каналлари (Телеграм-бот ёки электрон почта) орқали ушбу маълумотларни олади ва уларнинг махфийлигини сақлаш чораларини кўради. Мазкур қўшимча маълумотлар коррупцияга оид хабарга илова сифатида расмийлаштирилади.

13. Мурожаат этувчиларга Жамият ходимлари томонидан содир этилган коррупцияга оид хабарларни аноним тарзда қолдириш имконияти берилади.

Аноним коррупцияга оид хабар келиб тушган тақдирда мурожаатлар бўйича ходим, имкон мавжуд бўлган тақдирда, қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

келиб тушган аноним коррупцияга оид хабарга жавоб бериш учун мурожаат этувчи билан боғлана олмасликлари мумкинлиги ҳақида маълум қилиши;

қўшимча зарур маълумот олиш имконияти бўлмаган тақдирда коррупцияга оид хабарни тўлиқ ва ҳар томонлама ўргана олмасликларини билдириши;

муурожаат этувчига у билан боғланиш учун аноним алоқа канали ташкил қилишни таклиф қилиши (шахси кўрсатилмаган электрон почта манзили, Телеграм иловасидаги махфий чат ва.б.).

Мурожаат этувчи ўз аризасидан воз кечмаган тақдирда, аноним коррупцияга оид хабар мазкур Регламентда назарда тутилган тартибда қабул қилиниши ва кўриб чиқиши шарт.

14. Жамият ходимлари томонидан юборилган (шахсан тақдим қилинган) коррупцияга оид хабарларни кўриб чиқиш жараёнида коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этишнинг сабаб ва шароитлари ҳам таҳлил қилинади ва келгусида уларнинг олдини олиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича тадбирлар амалга оширилади.

4-боб. Коррупцияга оид хабарни кўриб чиқиш

15. Ички назорат тузилмасига келиб тушган барча коррупцияга оид хабарлар ушбу тузилма ходими томонидан кўриб чиқилади.

Агар келиб тушган коррупцияга оид хабар Ички назорат тузилмаси ходимларига тааллуқли ёки алоқадор бўлса, Ички назорат тузилмаси билдиришномасига асосан коррупцияга оид хабарни кўриб чиқиш Бошқарув раиси топшириғи бўйича Жамиятнинг бошқа тузилмасига юклатилиши мумкин.

16. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этганликда гумон қилинаётган ёки манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган Жамият ходимлари коррупцияга оид хабарни кўриб чиқиш жараёнига жалб қилиниши мумкин эмас.

17. Коррупцияга оид хабар Ички назорат тузилмасига келиб тушган кундан эътиборан беш кун ичида Ички назорат тузилмаси ходими дастлабки ўрганиш ўтказиб, мазкур хабарда кўрсатилган маълумотларнинг Жамиятга ёки Жамият ходимларига алоқадор ёки алоқадор эмаслиги, хабарда кўрсатилган қилмишда коррупция ҳолатлари ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви аломатлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигини ўрганади.

Агар коррупцияга оид хабарда коррупция ҳолатлари ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳолати масалалари билан бирга, Жамиятнинг бошқа таркибий бўлинмалари фаолиятига тааллуқли масалалар мавжуд бўлса, Ички назорат тузилмаси Бошқарув раисининг розилиги билан тегишли бўлинмалар ходимларини коррупцияга оид хабарни кўриб чиқишга жалб қилиши мумкин.

18. Коррупцияга оид хабар мазкур Регламентнинг 17-бандида назарда тутилган дастлабки ўрганиш натижаларидан қатъи назар Реестрга киритилиши шарт.

19. Агар коррупцияга оид хабарни ўрганиш натижаси бўйича коррупция ҳолатлари ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатлар аниқланса, бир иш куни ичида Жамиятнинг ички норматив ҳужжатида белгиланган тартибда хизмат текширувини ўтказиш ҳақида Ички назорат тузилмасининг тегишли билдиргиси Бошқарув раисига киритилиши лозим.

20. Агар коррупцияга оид хабарни кўриб чиқиш натижаси бўйича коррупция аломатлари ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатлар аниқланмади деб топилса, Ички назорат тузилмаси бир иш куни ичида бу ҳақидаги тегишли хулосаси ва билдиргисини Бошқаруви раисига киритиши лозим.

21. Коррупцияга оид хабарларни мазмунан кўриб чиқиш, шу жумладан хизмат текшируви ўтказиш Жамиятга келиб тушган кундан эътиборан бир ой ичида амалга оширилиши лозим.

Коррупцияга оид хабарни кўриб чиқишда қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа қўшимча чора-тадбирлар кўриш (сўровномалар юбориш ва х.) зарур бўлган ҳолларда коррупцияга оид хабарни кўриб чиқиш муддати Бошқарув раиси томонидан узоғи билан яна бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақида мурожаат этувчига (аноним мурожаатлардан ташқари) хабар қилинади.

22. Коррупцияга оид хабарларни кўриб чиқиш яқунларига кўра Ички назорат тузилмаси томонидан хулоса ва айбдор шахсларга чора қўллаш ҳақидаги билдирги тайёрланиб, Бошқарув раисига тасдиқлаш учун киритилади.

Бошқарув раиси тасдиқлаган хулосага мувофиқ мурожаат этувчига жавоб хати (аноним мурожаатлардан ташқари), шунингдек, заруратга кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар бўйича қонунчиликда белгиланган таъсир чораларини қўллаш ҳақида хат тайёрланиб, Бошқарув раиси имзоси билан расмийлаштирилади.

23. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, оммавий ахборот воситалари хабарлари асосидаги коррупцияга оид хабарларга (аноним мурожаатлардан ташқари) жавоб хати белгиланган тартибда мурожаат этувчига юборилади.

24. Ижтимоий тармоқдаги канал ва саҳифалар, Телеграм-бот орқали келиб тушган коррупцияга оид хабарга жавоб мурожаат этувчига электрон шаклда электрон почта, ижтимоий тармоқдаги канал ва саҳифалар ёки Телеграм-бот орқали юборилади.

5-боб. Ҳисобдорлик

25. Реестрдан Ички назорат тузилмаси ходимлари, хабарларни кўриб чиқишда иштирок этган тегишли бошқа давлат органлари ходимлари (фақат шундай хабарларга доир), Бошқарув раиси ёки Кузатув кенгаши аъзолари фойдаланиши мумкин.

26. Реестр маълумотлари асосида Ички назорат тузилмаси ҳар чоракда Бошқарув раисига ва Кузатув кенгашига Жамиятга келиб тушган ва кўриб чиқилган коррупцияга оид хабарлар бўйича ҳисоботни тақдим этади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

келиб тушган ва кўриб чиқилган коррупцияга оид хабарлар сони;

коррупция ҳолатлари, манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари тасдиқланган коррупцияга оид хабарлар сони;
кўриб чиқиш муддатлари бузилган коррупцияга оид хабарлар сони;
коррупцияга оид хабарларни кўриб чиқишнинг ўртача муддати;
муурожаат этувчилар томонидан энг кўп фойдаланиладиган алоқа каналлари ва бошқа статистик маълумотлар;
коррупцияга оид хабарларни кўриб чиқиш натижалари.

6-боб. Якуний қонда

27. Олинган коррупцияга оид хабарлар бўйича барча тегишли материаллар, ҳужжатлар ва маълумотлар (шу жумладан, қабул қилинган қарорлар ва муурожаат этувчиларга юборилган жавоблар) Жамиятнинг муурожаатлар билан ишлаш тузилмасида қонунчиликда белгиланган муддатга, лекин 10 йилдан кам бўлмаган муддатга сақланиши керак.

28. Мазкур Регламент талабларини бузиш белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

29. Мазкур Регламент, муурожаатлар ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ўзгарганда қайта кўриб чиқилиши лозим.

“UzAssets investitsiya kompaniyasi” акциядорлик
жамиятига алоқа каналлари орқали коррупция ҳолатлари
ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарларни
қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламентига
1-Илова

**“UzAssets investitsiya kompaniyasi” акциядорлик жамиятига алоқа
каналлари орқали коррупция ҳолатлари ва (ёки) манфаатлар
тўқнашуви тўғрисидаги хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддат
1-босқич	Жисмоний ва юридик шахслар, Жамият ходимлари	“UzAssets investitsiya kompaniyasi” акциядорлик жамиятига (кейинги ўринларда – Жамият) коррупция ҳолатлари ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарлар (кейинги ўринларда – коррупцияга оид хабар) мурожаат қилиш	Ўз хошишига кўра
2-босқич	Мурожаатлар бўйича ходим	<ol style="list-style-type: none"> 1. Коррупцияга оид хабарни қабул қилади ва рўйхатга олади. 2. Коррупцияга оид хабарни кўриб чиқиш учун Ички назорат бўлими масъул ижрочисини тайинлаш бўйича топшириқ (резолуция) имзолаш учун Бошқарув раисига киритади. 3. Бошқарув раиси топшириғига асосан масъул ижрочига коррупцияга оид хабарни ижро учун юборади. 	<ol style="list-style-type: none"> 1-2. Коррупцияга оид хабар келиб тушган кундан бошлаб 1 иш кунидан кечиктирмасдан. 3. Топшириқ имзоланган пайтдан 1 иш кунидан кечитирмасдан
3-босқич	Ички назорат бўлими	Коррупцияга оид хабарнинг тааллуқлилиги ва коррупция (манфаатлар тўқнашуви) ҳолати мавжудлигини дастлабки ўрганади.	Беш кун ичида
4-босқич	Ички назорат бўлими	<ol style="list-style-type: none"> 1. Коррупцияга оид хабарнинг тааллуқлилиги ва коррупция (манфаатлар тўқнашуви) ҳолати тасдиқланса, хизмат текшируви ўтказиш чораларини кўради. <ol style="list-style-type: none"> 1.1. Хизмат текшируви якунлари бўйича хулоса, билдирги ва мурожаат қилувчига хавоб хати тайёрлайди ва тасдиқлаш (имзолаш) учун Бошқарув раисига киритади. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Беш кун ичида <ol style="list-style-type: none"> 1.1-1.2. Бир ой ичида

		<p>1.2. Заруратга кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга коррупциявий ҳуқуқбузарлик бўйича таъсир чораси кўриш учун хат тайёрлайди ва имзолаш учун Бошқарув раисига киритади.</p> <p>2. Коррупцияга оид хабарнинг тааллуқлилиги ва коррупция (манфаатлар тўқнашуви) ҳолати тасдиқланмаса, бу ҳақда тегишли хулоса ва билдирги тайёрлаб, Бошқарув раисига киритади.</p>	<p>2. Беш кун ичида</p>
<p>4-босқич</p>	<p>Мурожаат бўйича ходим</p>	<p>1. Бошқарув раиси томонидан имзоланган жавоб хатини мурожаат этувчига юборди (аноним хабарлардан ташқари).</p> <p>2. Коррупцияга оид хабарнинг кўриб чиқилиши юқори турувчи орган томонидан назоратга олинган тақдирда, унга мазкур хабарнинг кўриб чиқилиши натижаси бўйича ахборот беради.</p> <p>3. Коррупцияга оид хабарнинг кўриб чиқилиши тугалланганлиги қайд этади ва назоратдан ечади.</p>	<p>1. Жавоб хати имзоланган кунда</p> <p>2. Мурожаат этувчига жавоб хати юборилган кунда</p> <p>3. Мурожаат этувчига жавоб хати юборилган кунда</p>

